

Айни дамда "Қамчиқ" довонидаги ҳолат юзасидан ...



[А-373 "М-39 а/й Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон-Андижон орқали-Ўш" автомобиль йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисмининг 171-294 км.лар оралиғида қор ёғмоқда.](#)

Қор ёғиб турган пайтда довонда автотранспорт воситаларининг тўхтовсиз икки томонлама ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида "Қамчиқавтойўл"

ИЙФУК томонидан йўл қоламасида сирпанчиқ бўлмаслиги учун туну-кун машина-механизмлар ёрдамида йўл қоламасини қордан тозалаш ва қум-туз аралашмаси сепиш ишлари амалга оширилмоқда. Айни пайтда, автотранспорт воситалари икки томонлама хавфсиз ҳаракатланмоқда. Қор. Йўлларда кўриш даражаси 3000 метрни, ҳаво ҳарорати -10 даражани, шамол тезлиги шимолдан ғарбга 3-8 м/с, намлик эса 79% ни ташкил этмоқда. "Қамчиқавтойўл" ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси "Қамчиқ" довони орқали ҳаракатланаётган ҳайдовчилардан барча хавфсизлик чораларини кўришларини тавсия қилади.

Автомобиль йўллари кўмитаси

Ахборот хизмати